

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ**

ФХБЮ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ 3 БОСКИЧ 4 ГУРУХ ТАЛАБАСИ

ДАДАБОВ ОЙБЕКНИНГ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ ТУЗИШ
ФАНИДАН**

КУРС ИШИ

**Мавзу: Избоскан туманидаги «Тиллабоев хосили мўл»
фермер хўжалигида бўғдой етиштиришни
режалаштириш**

Кабул килди: _____ кат. ўқт: УСМАНОВ М.Ю.
Бажарувчи: _____ Дадабоев О.

Андижон - 2016 йил.

Андижон қишлоқ хўжалик институти
Иқтисодиёт ва бошқарув факультети
«Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув» кафедраси
ФХБ таълим йўналишининг 3 босқич 1- гуруҳ талабаси Дадабоев
Ойбекнинг «Фермер хўжалик фаолияти бизнес режаси тузиш» фанидан ёзган
курс ишига т а қ р и з

Курс иши объекти

Избоскан туманидаги «Тиллабоев хосили мўл» фермер хўжалиги
Сахифалар сони 30 та чизмалар сони - йўқ Жадваллар сони 10та

Курс ишининг бажарилишининг режага мос келиши:

Курс иши топшириққа мос келади.

Курс ишининг бўлимларини бажарилишида талаба томонидан мавзуга оид қонунлардан ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилиши:

Курс иши бўлимларини бажаришда талаба томонидан мавзуга оид қонунлардан ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Курс ишини тайёрланиш даражаси, яъни ҳисоботнинг таркибини ва моҳиятини топшириққа мос келиши, хўжалик маълумотларидан ва кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларни таҳлили этиш, хулоса ва таклифларнинг асосланганлиги ҳамда тушунтириш ёзувининг сифати:

Курс ишини тайёрланиш талб даражасида, яъни курс ишининг таркиби ва моҳияти режага мос келади, «Тиллабоев хосили мўл» фермер хўжалиги маълумотларидан ва кўрсаткичларидан фойдаланилган ва улар таҳлил этилган, хулоса ва таклифлар мавжуд, Курс иши хўжалик маълумотларига асосланган ҳамда тушунарли ёзилган.

Курс ишида йўл қўйилган камчиликлар:

«Тиллабоев хосили мўл» фермер хўжалигида пахта етиштиришни режалатирида бошлангич ҳисоб китоблар тўлтгича келтирилмаган.

Курс ишини химояга тавсия этиш бўйича якуний хулоса:

Курс иши химояга тавсия этилади:

Тақриз берувчининг исми шарифи ва имзоси
Илмий унвони ва даражаси Катта ўқитувчи.

М Усманов.

Тақриз берилган сана « 15» 02. 2016 йил

Избоскан туманидаги «Тиллабоев ҳосили мўл» фермер хўжалигида буғдой етиштиришни режалаштириш.

Режа:

Кириш.

1. Избоскан туманидаги «Тиллабоев ҳосили мўл» фермер хўжалигини табиий иқтисодий таснифи.
2. Буғдой етиштиришни режалаштириш аҳамияти.
3. Избоскан туманидаги «Тиллабоев ҳосили мўл» Фермер хўжалигида буғдой етиштириш ҳолати.
4. Фермер хўжалигида буғдой етиштиришни режалаштириш тартиби..

Хулоса ва таклифлар.

Адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Ўзбекистон Республика иқтисодиётинининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохатлар самараси, йилдан йилга тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри эканини эришган натижалар бўйича кўриб олишимиз мумкин.

Ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган келажаги буюк давлатни барпо этишда, ижтимоий- иқтисодий юксалишнинг мураккаб, изчил ва давомли йўлида ҳар бир йил алоҳида поғона бўлиб хизмат қилаётгани эътиборлидир. Шунинг учун ҳам босиб ўтган йўлимизни атрофлича сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни чуқур таҳлил этиш, юксак марраларни қўлга киритиш учун олдимизда турган энг муҳим ва устивор вазифаларни белгилаб олиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни янги босқичига кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Мамлакатимиз – аграр индустриалашган республика. Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкан. Чунки унда республика ички ялпи маҳсулотининг учдан бир қисмига, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизига яқин яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабини ўзгариши экологик талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатларни бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имконига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шакллариининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчан капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллариини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унимдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллариини асослаган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларини илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини, ҳалқимизнинг миллий урф-одатларини эътиборга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохатлар ва уларни йўналишлари негизида давлат устиворлиги яққол кўриниб

турибди. Чунки бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бориш тамойилларида Давлатни – бош ислохатчи деб белгилаб олинган. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг йўналишлари, ахамияти ҳамда мазмунини ёритишда Республика Олий Мажлисида қабул қилинган қонунларга, Президент фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида айтиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекитон халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки бу тармоқ аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг эса зарурий хомашёга бўлган талабини қондириб келмоқда.

Ҳозирги даврда аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизига яқини қишлоқ хўжалик тармоғида етиштириб келинмоқда.

2015 йили мамлакатимизни ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7,0 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 14.8 фоизга етди. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми 10.9 фоизга ўсди. экспорт ҳажмини ичида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 72 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдога эришилди. Инфляция даражаси 5,6 фоиздан ошмади.

2015-йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21.5 фоиздан 20.5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкасининг 9 фоиздан 8 фоизга тушурилди. Давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича профицитга эришилди.

Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,3 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган кенг кўламли изчил ислохотлар натижасида, қисқа даврда вазият бутунлай ўзгарди. Табиат инжиқликларига қарамай, ўтган йили мамлакатимизда деҳқончилик тармоқларида маҳсулот етиштириш миқдори кўпайди.

2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2.3 баробар кўпайди, шундан деҳқончилик маҳсулотлар ишлаб чиқариши 6.4 фоизга (картошка 3.1 маротаба, сабзавот 3.2 маротаба, узум 2 маротаба), ва чорвачилик маҳсулотлар ишлаб чиқариши 7.4 фоизга (гўшт ва сут 2.1 маротаба, тухум 3.4 маротаба) ўсди.

2015 йилда мураккаб оби-ҳаво шароитида қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулот 7,0 фоизга ўсди, шу йилли ғалла 7800 минг тоннага, пахта 3350 минг тоннага, сабзавот маҳсулотлари 8400 минг тоннадан ортиқ етиштирилди. Барча тоифадаги ғалла экин майдонининг ҳар бир гектаридан ўртача 44,2 центнердан ва суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 50,7 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшамокда. Жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизига яқини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашмоқда. Тармоқда маҳсулот етиштириш учун 25.8 млн. га

қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилмоқда. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган умумий ер майдонининг 74.6 фоизини ташкил этади.

Маълумки энг унумдор ерлар суғориладиган ерлардир. Уларнинг 95.1 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ўз фаолият жараёнида минглаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёқилғи, озуқа моддалари ва бошқа воситалардан фойдаланиб, шу тармоқларни ривожланишига кўмаклашиб келмоқда. Бу ўз навбатида, маҳсулот етиштириш хажмини йил сайин кўпайтириш имконини бермоқда. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган истеъмол маҳсулотлари жон бошига белгиланган тиббиёт меъёрларига нисбатан анча кам. Демак келажакда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун тармоқни модернизациялаштириш, рақобатбардошлигини ошириш ва инвестицияларни киритиш лозим. Бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакллантирадиган, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохатлар босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш имкониятини берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бу жараён йил сайин кучайтирилиб борилади. Натижада келажакда қишлоқ хўжалигининг юқори суръатларда ривожланиши таъминланади, республика иқтисодиёти юксалади.

Қишлоқ хўжалиги асосий мақсадига эришиши учун турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади, ишлар, хизматлар бажарилади, улар талабини қондириш мақсадида тақсимланади, сотилади. Юридик субъектлар орасида кечаётган бу жараён эркин бозор муносабатлари асосида амалга оширилади.

Эркин бозор иқтисодиётига асосланган - иқтисодий муносабатлар тизимини яратишда ҳалқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табиий, ижтимоий, иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланишни тақазо этилади. Демак, қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёни ривожлантирилишини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш ва уларни ҳаётга жорий этишни тақазо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар натжасида ерлар ўз эгаларига топширилди, хўжаликлар шакли ўзгартирилди, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжалик фаолиятлари ихтисослаштирилди, оптималлаштирилди, суғориладиган ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз тамонидан қишлоқ хўжалигида фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган бир қатор амалий тадбирлар, қонунлар, қарорлар ва фармонлар қабул қилинмоқда.

Фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли

фойдаланиш, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 22 октябрдаги 4478 сонли фармони қабул қилинган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқаришда амалга ошириб келинаётган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хўжаликнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш қувватига боғлиқдир. Хўжаликни ишлаб чиқариш қуввати бевосита уч унсур йиғиндисидан ташкил топади; зарурий асосий воситалар тури ва миқдорига, айланма фондлар билан таъминланиш даражасига ва меҳнат ресурслар малакасига. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш қуввати қанчалик кучли бўлса, улар шунчалик иқтисодий жihatдан мустаҳкам, барқарор ривожланган ва бозор иқтисодиёти талабларига чидайдиған рақобатбардош бўладилар. Хўжаликни ишлаб чиқариш қуввати ичида ишлаб чиқариш воситалар ёки асосий воситалар юқори салмоқни ташкил этади.

1. Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини табиий иқтисодий тавсифи.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги собиқ “Тиллабоев” ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 10 декабрдаги 146 сонли умумий йиғилишининг баённомаси ҳамда Жамоатчилик Кенгаши томонидан ўтказилган танловининг якуний босқичи тўғрисидаги хулосалари асосида туман ҳокимининг 2006 йил 18 декабрдаги 461-К сонли қарори билан 30 гектар билан ҳуқуқий шахс сифатида ташкил топди. 2009 йили Избоскан туман ҳокимлигини “Фермер хўжаликларини кенгайтириш” қарорига асосан “Тиллабоев” массивдаги “Мустақиллик” фермер хўжалигини 46 гектари ва 2010 йили шу массивдаги “Ёрбошти гулшани” фермер хўжалигини 42 гектари қўшилган. Натижада Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини ерлари 2013 йилга келиб 118 гектарни ташкил этди. Фермер хўжалигига ер участкалар 49 йил муддатга ижара шаклида фойдаланиш учун берилди.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги Андижон вилояти Избоскан тумани Тиллабоев массивини Ёрбоши қишлоқ фуқаролар йиғини Ёрбоши қишлоғида жойлашган. Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги қулай шарт-шароитга эга бўлган, аҳоли пунктига яқин жойлашган, оқава сув билан таъминланган, ўртача тупроқ унумдорлигига эга бўлган, текисликда жойлашган ўртача фермер хўжаликлар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжалигининг жойлашган ўрни қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини жойлашган ҳудудининг табиий-иқлим шарт-шароити кескин континентал (ўзгарувчан) бўлиб, ёз кунлари иссиқ, қиш кунлари эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +36 +40 даражагача кўтарилса, қиш фаслида -14 - 15 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёғин миқдори талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли суғориб деҳқончилик қилинади. Хўжаликдаги ўртача кунлик ҳарорат 18 градусга ва намлик 22,0 миллиметрга тенг.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги ўзини иқтисодий муносабатларини олиб боришда асосан тумандаги Пахта тозалаш заводи, Дон маҳсулотлари қабул қилиш шохобчаси, туман ОАЖ МТПси, туман Ўзқишлоқхўжаликкимё ташкилоти, туман Пиллакашлик корхонаси, туман Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатиш нефтибазаси, Ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш ташкилоти, Сув истеъмолчилари уюшмаси, шу билан биргаликда тумандаги молиявий институтлар бўлмиш банк, молия, солиқ, суғурта ва бошқалар билан олиб бормоқда.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги Избоскан туманининг минерал ўғит тарқатиш базасидан 2 километр, туман Дон қабул қилиш шохобчасидан 12 километр, Пахта тозалаш заводида 8 километр, «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖдан 10 километр, МТП ОАЖ ташкилотидан 8 километр, Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатувчи

базадан 10 километр, туман Пилла қабул қилувчи шаҳобчадан 7 километр узоқликда жойлашган.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги туман марказидан 14 километр ва вилоят марказидан 12 километр узоқликда жойлашган. “Ботирали Ахмедовлар” фермер хўжалиги Пайтуғ -Хакулаобод автомобил йўлини 300 метр ичкарида жойлашган.

Хўжаликни асосий ишлаб чиқариш инфратузилмалардан ўзоқ жойлашганлиги транспорт харажатларини ва техникаларга техник хизмат кўрсатишни ортиб кетишига олиб келмоқда.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги Ғарб томондан «Насирдин Мухаммадали» фермер хўжалиги билан, Шарқ томонидан «Тиллабоев» массивини идораси, жануб тамонидан “Абдулазиз давлат диёр” фермер хўжалиги билан, шарқ томонидан “Истиклол массиви” билан чегарадош.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигига узоқ муддатга фойдаланиш учун берилган ер участкалари сув билан таъминланган; эскитдан суғориб келинадиган, ўртача маданийлаштирилган, ўртача эрозияга учраган, сизот сувлари 3-4 метр чуқурликда жойлашган, тупроқ банитети 62 баллга тенг бўлган сервитутлари йўқ ерлар таркибидан иборат.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигига 8та контурдан иборат бўлган 118 гектар ерни узоқ муддатга фойдаланиш учун давлат тамонидан ижарага берилган

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги 2007 йил 5 январдаги Избоскан туман ҳокимлигини № 32 сонли қарори билан қайта ташкил этилган.

2-жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини ижарага олган ер участкаларини контурлар бўйича тахсимооти.

Контур тартиб рақами	Умумий ер майдони	Шундан						Бонитет бали
		Екин ери	Тутзор ва ўрмон зор	Ариқ зовур	Йўл лар	Иморат остида	Бошқа ерлар	
456	14.7	14	-	0,1	0,2	0,4	-	62
457	12.4	12	-	0,2	0,2	-	-	62
458	14.3	14	-	0,1	0,2	-	-	62
459	15.4	15	-	0,2	0,2	-	-	62
460	17.0	13	3.6	0,2	0,2	-	-	62
461	16.3	16	-	0.1	0.2	-	-	62
462	13.4	13	-	0.1	0.3	-	-	62
463	14.5	14	-	0.2	0.3	-	-	62
8та конт	118.0	111	3.6	1,2	1.8	0,4	-	62

Манба: Избоскан туманидаги Кадастр бўлимининг маълумотларидан.

Ажратилган ер участкалари 3.6 гектари тут плантация билан, 1.8 гектари ариқ ва зовурлар, 1.2 гектари йўллар билан, 0.4 гектари иморат билан ва 111 гектари ёки 94.1 фоизи экин майдони кўринишида фойдаланиб келинган. Хўжаликни экин майдонини 66 гектарига пахта экини ва 45 гектарига буғдой экини экиб келган.

Хўжаликни ер участкалари 8 та контурдан иборат бўлиб, тупрок унумдорлиги 62 балга тенг.

Хўжаликни экин майдонининг хажми ва контурлар сони, техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини яратиб беради. Хўжаликни ер участкаларини ўртача хажми 13.9 гектарни ташкил этди. ер участкаларини ҳар 40-50 метирда ўқ-ариқлар тортилган. Дала узунлиги 200-300 метрни иборат. ер участкаларни бу жихатлари суғориш карталарига қуйилган талабларга тўла жавоб беради.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжаликни тупроқлари типик бўз тупроқдан иборат бўлиб, тупроқда 1,6-1,8 фоизгача чиринди ва 0,1-0,2 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупроқдаги чиринди миқдори ўртача.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ортиб бормокда.

Экинлардан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига соф ҳолида азотли ўғитни 160-200 кг/га; фосфорли ўғити 170-190 кг/га; калий ўғитни 70-95 кг/га ва органик ўғит солиш меъёри 15-20 тонна ташкил этади.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган. Хўжалик ўз фаолиятини узоқ ва қисқа муддатга олган кредит ҳисобига олиб бормокда. Қисқа ва узоқ муддатли кредитларни йиллик даромад ҳисобига ёпиб келмокда. Хўжалик ўртача рентабеллик даражасига эга.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжалиги 2015 йилни 4586 минг сўмлик дебиторлик ва 7354 минг сўмлик кредиторлик қарзлар билан якунлади.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжалиги 2015 йили жами 234987 минг сўмлик харажат сарфлаб, 285608 минг сўмлик ялпи маҳсулот ва 50621 минг сўмлик фойда олишга ва 21.5 фоизли рентабелликка эришган.

Хўжалик уч йиллик фаолияти ичида олинган даромад 22690 минг сўмга ёки 108.6 фоизга, сарфланган харажат 20654 минг сўмга ёки 109,6 фоизга ва фойда олиш 2036 минг сўмга ёки 104.2 фоизга кўпайган.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжалигида 2015 йили жами 65 аъзо бўлиб, Шундан 6 нафари доимий ва 59таси шартнома асосида ишлаётган аъзолар бўлиб, ишлаб чиқариш буйича иш

тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай хулосага келиш мумкин эмас. Хўжалик аъзолари ичида 2таси олий, 20таси махсус ўрта ва 43 таси ўрта маълумотга эга. Хўжалик аъзолардан 16таси эркакларни ва 49таси айёлларни ташкил этади. Хўжалик аъзолари ичида турли касб эгалари мавжуд, ўлар ичида иқтисодчи, бухгалтер, механизатор, чевар, хамшира, тарбиячи ва бир қанча бошқа касб эгалари мавжуд. Хўжалик аъзоларини ўртача ёши 36 ёшга тенг.

Хўжаликни доимий ходимларидан ташқари, барчаси 1 йиллик меҳнат шартномасига асосан фаолият кўрсатишиб келмоқда. Фермер хўжалигида фаолият кўрсатиб келаётган ходимларнинг 33,8 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотлиларни ва 66,2 фоизи умумий ўрта маълумотлиларни ташкил этади.

4 -жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигининг аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот

т/р	Аъзоларнинг исми ва шарифи	Туғилган йили	Маълу моти	Касби	Иш стажи	Бошлиққа аълоқаси
1	Ахмедов А	1967	олий	ф/х бош.	27	Ўзи
2	Ахмедова А	1964	олий	хисобчи	25	Тур.ўрт
3	Ахмедов К	1962	ўрта	кораул	28	Акаси
4	Ахмедов К	1970	м/ўрта	тракторчи	22	Укаси
5	Ахмедов Р	1989	м/ўрта	тракторчи	21	Мах-дош
6	Юсупов П	1971	ўрта	сувчи	21	Мах-дош
7	Дадажанов А	1974	ўрта	сувчи	19	Мах-дош
8	Одилов К	1975	ўрта	сувчи	18	Мах-дош
9	Жалилов Н	1976	ўрта	сувчи	17	Мах-дош
10	Нозимов Ж	1977	ўрта	сувчи	16	Мах-дош
11	Гуламов Д	1972	ўрта	сувчи	20	Мах-дош
12	Латилов Ғ	1972	м/ўрта	сувчи	20	Мах-дош
13	Кимсанов Ю	1970	ўрта	сувчи	22	Мах-дош
14	Фармонов Ш	1969	м/ўрта	сувчи	23	Мах-дош
15	Якубов А	1965	ўрта	сувчи	27	Мах-дош
16	Собиров С	1974	ўрта	сувчи	19	Мах-дош
17	Тургунов Н	1974	ўрта	сувчи	19	Мах-дош
18	Юлдашева М	1976	м/ўрта	гектарчи	17	Мах-дош
19	Турсунова М	1970	м/ўрта	гектарчи	22	Мах-дош
20	Шокирова Ш	1966	ўрта	гектарчи	26	Мах-дош
21	Исакова Р	1975	ўрта	гектарчи	18	Мах-дош
22	Набихўжаева Л	1975	м/ўрта	гектарчи	18	Мах-дош
23	Исламова И	1965	ўрта	гектарчи	27	Мах-дош
24	Жалилова Ш	1974	ўрта	гектарчи	19	Мах-дош
25	Акбарова Л	1974	ўрта	гектарчи	19	Мах-дош
26	Каримова А	1976	м/ўрта	гектарчи	17	Мах-дош

65	Жалолдинова А	1989	ўрта	гектарчи	7	Маҳ-дош

Манба: Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалик маълумотлари.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарияти ишчиларни касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чоратадбирларини кўриши лозим.

Мавжуд аъзоларни 39 таси пахта етиштиришда, 10таси буғдой етиштиришда фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бундан ташқари хўжаликда 1 та бошлиқ, 1 та бухгалтер, 1та коравул-ошпаз, 2та тракторчи, 11та сувчи ишлаб келмоқда. Пахта-ғалла етиштиришда фаолият кўрсатиб келувчи аъзоларга экин майдони ажратиб берилган ва улар гектарчи кўринишда ишлаб келмоқда.

Мавсумда механизаторларга ва сувчиларга ҳар ойда 250-230 минг сўмдан, гектарчиларга 200 минг сўмдан иш ҳақи тўлаб борилади. Иш ҳақи нақд пул ва маҳсулот кўринишида тўланади. Бундан ташқари фермер хўжалиги томонидан ишчиларга буғдой сомони, ғўзапоя берилади ва буғдойдан бўшаган майдонларда бирор бир экин экиб олиш учун ер ажратиб берилади.

Фермер хўжалик фаолиятини хўжалик раҳбари орқали бошқариб борилади. Фермер хўжалиги раҳбари Ахмедов Абдуғаффор 1967 йилда таваллуд топган, маълумоти олий, 1989 йилда Андижон қишлоқ хўжалик институтини гидромелиорация таълим йўналишини тамомлаган.

Ахмедов Абдуғаффор Избоскан туманининг ер ресурслари давлат кадастр бўлимида инспектор, кейинчалик бўлим бошлиғи вазифаларини бажарган. Ахмедов Абдуғаффорни маълумоти ва фаолият жараёнида тўплаган иш тажрибаси фермер хўжалигини бошқаришида қўл келмоқда.

Ахмедов Абдуғаффор 2007 йилдан бошлаб Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда. Жами иш стажи 27 йил бўлиб қишлоқ хўжалигида 19 йилдан буён ишлайди.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини тендерда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиш натижасида ташкил

Фермер хўжалиги Избоскан туманидаги Микрокредит банкда ҳисоб рақамини очган, банк ҳ/р 20208000404565750001, МФО 00063, солиқ тўловчининг ИНН 300101765 билан ўзини ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги “Тиллабоев” СИУсига аъзо бўлган. “Тиллабоев” СИУси хўжаликни деҳқончилик ишларини олиб боришда Катта Фаргона Канали тизимида қарашли Кўкгумбаз сув иншоатидан фойдаланиб экинларга оқава сув билан

таъминлаб беради. Айрим ҳолларда хўжалик Бақалик-1 насослардан ҳам фойдаланиб келади.

Хўжаликда 1 гектар пахта майдони учун 1300 м/куб ва буғдой учун 800 м/куб сув сарфлаган.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги «Фермер хўжаликлар тўғрисида»ги қонунга, туман ҳокимлигининг қарорига, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Низомга, Бизнес режага ҳамда туман ҳокимлигининг «Кадастр» бўлими томонидан берилган далолатномага асосан ташкил этилган. Хўжалик фаолияти давлат томонидан чиқарилган қонунларга, қарорларга, фармонларига ва тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан амалга ошириб келинмоқда.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигининг Низом фонди 15,1 млн сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, ишлаб чиқариш воситалари, экинзорлари, пул маблағлари ва бошқа мулкларини эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигини пул даромади маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, қимматли қоғозлардан олинган дивидент ҳисобига шаклланади.

Олган пул даромаддан ҳаражатларни қоплаш, иш ҳақи тўлаш, турли ажратмаларни ажратиш, кредит ва устамаларни тўлаш, янги техника ва технологияларни харид қилишга ишлатади.

Хўжалик ўзини иқтисодий муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 4 сентябр 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига мувофиқ олиб бормоқда. Ушбу қарорга мувофиқ хўжалик давлат буюртмаси бўйича пахта, ғалла ва пилла сотиш контрактация шартномасини тузган.

Бундан ташқари Андижон туманининг МТП ОАЖ ташкилоти билан қишлоқ хўжалик ишларини механизация воситалари билан бажариб бериш; «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ туман шаҳобчаси билан хўжалик экинларини ўғитлашда минерал ўғитларни етказиб бериш; туман нефти базасига қарашли ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатувчи шаҳобча орқали, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларни етиштиришда бажариладиган механизация ишларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш; хўжалик экинларини хашорат ва зарар кунандалардан ҳимоя қилиш бўйича биолобаратория билан; экинларга сув етказиб бериш бўйича массивдаги СФУ билан шартномалар имзолади.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” , фермер хўжалиги танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик субъект ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олган ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олган.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини моддий техник базаси ўртача таъминотга эга.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигининг асосий воситалари ҳақида маълумот

т/р	Воситалар тури	Микдор	Маркаси	Сотиб олинган йили	Баланс қиймати, млн. сўм	Сотиб олиш усули
1.	Шийпон	1	Оддий	2007	14.0	Ўз маблағ
2.	Тракторлар	1	ТТЗ-80.11	2009	27.0	Лизинг
		1	МТЗ-80	2007	6.0	Ўз маблағ
3.	Култиватор	1	КРХ-4	2007	4.3	Кредит
4.	Барана	1	БР-3	2008	3.2	Ўз маблағ
5.	Сеялка	1	СЕ-5	2009	4.2	Лизинг
6.	Тр. прицеппи	2	2ПЦ	2010	6.0	Ўз маблағ
7.	Чизел	1	ЧВ-2	2008	1.8	Ўз маблағ
	Жами	9	х	х	66.5	Х

Манба: Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалик маълумотлари.

Асосий воситаларни 14 млн сўми ёки 21 фоизи шийпонни хиссасига, 33.0 млн сўми ёки 49.6 фоизи тракторлар хиссасига ва 19.5 млн сўми ёки 29.3 фоизи кишлок хўжалик тиркалма воситалар хиссасига тўғри келади.

Бир гектар экин майдони ҳисобига 599 минг сўмдан асосий воситалар қиймати тўғри келган, шундан 126 мин сўмлик бинолар қиймати, 297 минг сўмлик тракторлар қиймати ва 176 минг сўмлик тиркалма воситалар қиймати тўғри келмоқда.

Фермер хўжалиги 2007 йили МТЗ-80 тракторни ўз маблағи ҳисобига 6.0 миллион сўмга, 2009 йилда ТТЗ-80,11 маркали таркторни 27,0 млн сўмга ва 4.2 млн сўмлик чигит сеялкасини лизингга ҳамда 2007 йили 4.3 млн сўмга культиваторни кредитга сотиб олган ва ҳозирги кунга келиб тўлиғича тўловини тўлаб бўлди. Шу билан биргаликда шийпон, барана, трактор прицеппи ва чизел мосламаси ўз маблағи ҳисобига сотиб олинган.

Барча техникалар ва кишлок хўжалик машиналар техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Хўжаликда асосий воситалар етарли эмас, келгусида хўжалик раҳбари 1та самон присловгич, 1та ўғитловгич ва 1та пурковгич сотиб олмақчи. Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

2.Бугдой етиштиришни режалаштириш аҳамияти.

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида иқтисодийни самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бу бугдой етиштириш самарадорлигини ошириш бўлиб, бунга ишлаб чиқарилаётган бугдойни ташқи ҳамда ички бозорда рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир. Шу туфайли бугдой етиштиришни кўпайтириш ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Дон ишлаб чиқариш деҳқончилик тармоғини асосий бўғинини ташкил этади. Дон ишлаб чиқиш давлат назоратида, чунки дон махсулотларидан, аҳоли ва чорвани талаби қондирилади.

Дон махсулотларга бўлган талабни қондириш учун ҳар бир жамият аъзоси хисобига 1 тонна дон етиштириш белгиланган.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун юқори агротехник қоидаларга, замонавий уруғчилик тизимига, ерни ўғитлаш, ҳосилни ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиб олишга риоя қилиш керак. Шу билан биргаликда дон етиштирувчиларга тўла иқтисодий мустақиллик бериш, дон харид баҳоларни тартибга солиш, зарар кўрмасдан фаолият кўрсатиш керак.

Ҳозирги кунда дон етиштиришда қатор муаммолар мавжуд, -екинларни ўз вақтида экиб олиш, ҳашоратга ва бегона ўтларга қарши кураш, ҳосилни ўриб олиш, ташиш, бошлангич қайта ишлаш.

Давлатимиз олдида дон захирасига эга бўлиш ва уни ҳар йили янгилаб бориш вазифаси турибти. Давлатимиз яқин келажакда дон экинлар ҳосилдорлигини 39 центнерга етказиб ялпи ҳосилни 6 млн тоннага етказиш белгиланган. Бошоқли дон экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш учун ғўза қатор ораларига экиш қисқаради.

Дон экинларидан юқори ҳосил олиш учун ҳар гектарига 20 тоннадан органик ўғит ва 300 кг соф холида минерал ўғит солиш белгиланган. Шоли етиштириш 627,5 минг тоннага, маккажухори 364,5 минг тоннага етказиш белгиланган.

Дон махсулотларига бўлган талабни қондириш учун давлат томонидан белгиланган тадбирлар.

-табiiй иқлим шарт шароитига кўра янги навлар яратиш.

-суғориладиган майдонларида дон экин майдонини кўпайтириш,

-уруғлик донларни сақлаш, асраш, дорилаш,

-бошоқли дон экинларининг касалликларига, зараркунандаларга қарши кимёвий дори - дармон ва биологик воситаларни ўзимизда ишлаб чиқиш,

-бошоқли дон етиштирувчиларни моддий мафаатдорлигини кучайтириш, режадан ортикча етиштирилган ҳосилни етиштирувчи таъсаруфида қолдириш.

Республика далаларида бошоқли донни Санзар-8, Ёнбош, Маржан, Интенсив, Улугбек-600 каби маҳаллий навлари яратилган.

Фан ва техниканинг тараққий этиши ҳамда аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши туфайли, аҳолининг қишлоқ хўжалиги махсулотларига, айниқса, бугдой махсулотларига, чорвачиликда ва саноатда талаб анча ошди.

Бу даврларга келиб фаннинг ривожланиши ва хусусан биология фани, ўсимликларнинг озикланиш хусусиятларини кашф этилиши, буғдой етиштириш тизимининг тубдан ўзгаришига олиб келади.

Алмашлаб экиш тизимида донли экинлар 1-2 йилдан ортиқ экилмасдан, балки чопиқ талаб қилинадиган экинлар, маккажўхори, картошка, беда ва бошқалар билан алмаштирилади.

Чопиқ қилинадиган экинларни экиб, деҳқончилик қилиш ўсимчиликнинг жадал тизими бўлиб, маълум ер бирлигидан кўпроқ маҳсулот олишни таъминлайди. Бу тизим минерал ва маҳаллий органик ўғитлар ва кимёвий воситалардан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга асосланади.

Буғдой етиштиришни самарали олиб боришга қуйидаги талаблар қўйилади:

- буғдой етиштириш бўйича шартнома кўрсаткичлари ва давлат буюртмаларини бажариш;
- буғдой ишлаб чиқаришни бошқа тармоқлар билан мутаносиб олиб бориш;
- буғдой ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни ташкил этиш ҳамда экспортни кучайтириш;
- буғдой ишлаб чиқаришни олиб бориш механизмларининг барқарорлигини таъминлаш;
- барча ресурслардан тўлиқ ва унимли фойдаланиш;
- меҳнатни ташкил этишда мавсумийликни бартараф этиш;
- меҳнат ресурсларини йил давомида бир текис ва тўла иш билан таъминлаш;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун керак бўлган жамғармани ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришга қўйилган маблағларни айланиш тезлигини ошириш;
- йил давомида бир текис пул тушумини таъминлаш.

Буғдой етиштириш тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ташкилий, иқтисодий технологик (агротехник) ва техник тадбирлар тизимидан иборатдир. Буғдой етиштириш тизимига кирган тадбирийдор чоралар шу тизимнинг унсурлари деб ҳам юритилади.

Буғдой етиштиришни ташкил этишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Ишлаб чиқаришни таҳлили ва хўжаликнинг истиқболдаги тарраққиётини илмий жиҳатдан асосланган дастурини яратиш.
2. Хўжалик йўналишига, ички хўжалик ихтисосланишига ва тармоқларни мақсадга мувофиқ равишда қўшиб олиб боришга эътибор қилиш.
3. Буғдой ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, электрлаштириш ва автоматлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.
4. Буғдой етиштириш маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва хизмат қилиш ҳамда ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришини уюштириш.
5. Меҳнат баланси, меҳнатни ташкил этиш, ҳақ тўлаш ва уни ҳимояси.
6. Хўжалик бошқаришнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш таркиби.
7. Ижтимоий ривожланиш.

8. Атроф – муҳитни ҳимояси.

9. Капитал қўйилмаларга бўлган талаб.

10. Буғдой етиштириш тизимининг иқтисодий самарадорлигига.

Буғдой етиштириш – қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, аҳолини озиқ-овкат, чорвани ем-хашак билан, саноатни хомашё билан таъминлайди. Буғдой етиштиришни ҳозирги замон фан ва техника ютиқлари асосида ривожлантириш учун, аввало, меҳнат унимдорлигини ошириш зарур. Бу эса ўз навбатида, бир қатор омилларга, хусусан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ер унимдорлигини ошириш ва ҳоказоларга боғлиқдир.

Фермер хўжаликларида буғдой ҳосилдорлигини ошириш, ялпи ва товар маҳсулотларини кўпайтириш учун буғдой етиштиришни ташкил этишни такомиллаштириш зарур.

Буғдой етиштиришни ташкил этиш бевосита хўжаликни жойланишига, табиий-иқлим шарт-шароитига, тупроқ унимдорлигига, зарурий воситаларни ва хомашёларни мавжудлигига, уларни қувватига, фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

Буғдой етиштириш ўз йўналишига қараб, кузги ва баҳорги турларига бўлинади. Буғдой экинидан асосий ва қўшимча маҳсулот олинади. Хўжаликлар ўзларнинг табиий шарт-шароитига ва ишлаб чиқариш йўналишига қараб буғдой етиштириш билан биргаликда қорамолчиликни ва паррандачиликни ривожлантиришлари мумкин. Буғдой етиштириш тизимини ривожлантиришда, кам ҳосил ва аҳамияти кам навларни далалардан суриб чиқариш. Улар ўрнига серҳосил ва иқтисодий фойдали буғдой навларидан фойдаланиш, алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш керак.

Буғдой етиштиришни ташкил этиш ердан, сувдан, ишчи кучидан, техникадан, маблағдан ва табиий иқлим шарт-шароитдан унумли фойдаланиш имконини яратиб беради.

3. Избоскан туманидаги «Тиллабоев хосили мўл» Фермер хўжалигида буғдой етиштириш ҳолати.

Қишлоқ хўжалиги-мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ юртимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса ҳам ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг истеъмол бозорига озиқ - овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига ҳам ашё етказиб бериш билан бирга, -қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномалигига қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

Ўтган 2013-2015 йиллари Избоскан туманидаги «Тиллабоев хосили мўл» фермер хўжалиги буғдой етиштириш жараёнини ташкил этишда асосий воситалардан, айланма воситаларда ва инсон меҳнатидан кенг ва унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб келди. Ушбу жараёни амалга оширишда ишлаб чиқариш воситаларни мутаносиблигига эътибор берилди ҳамда янги технологиялардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилди.

Хўжаликни жойланиши, ишлаб чиқариш воситаларни ҳолати, хўжаликни имконияти, экин майдонларни микдори, воситаларни қуввати - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига, муддатига, ишни сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Ушбу натижаларга эришишда Избоскан туманидаги «Тиллабоев хосили мўл» фермер хўжалиги ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келди.

6 -жадвал

Избоскан туманидаги «Тиллабоев хосили мўл» фермер хўжалигининг экин майдони ва унинг таркиби.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	2013 й.	2014 й.	2015 й	2015 йил 2013 йилга нисбатан	
						+, -	%
1.	Экин майдони	га	111.0	111.0	111.0	-	100.0
2.	Пахта майдони	га	60	62	66	+6	110.0
3	-салмоғи	%	54.0	55.8	59.4	+5.4	-
4.	-хосилдорлик	ц/га	31.6	31.9	32.1	+0.5	101.6
5.	-ялпи ҳосил	ц	1896	1978	2119	+223	111.8
6.	Буғдой майдони	га	51	49	45	-6	88.2

7.	-салмоғи	%	46.0	44.2	40.6	-0,6	-
8.	-хосилдорлик	ц/га	64.5	64.9	65.4	+0.9	101.4
9.	-ялпи хосил	ц	3289	3180	2943	-346	89.5
10.	Ходимлар сони	нафар	66	65	65	-1	98.5
11.	-пахтада	нафар	40	39	39	-1	97.5
12.	-буғдойда	нафар	10	10	10	-	100.0
13.	-бошқада	нафар	16	16	16	-	100.0
14.	Ер бонитет бали	балл	62	62	62	-	-

Манба: Андижон туманидаги “Ботирали Ахмедовлар” фермер хўжалик маълумотлари.

2015 йили мавжуд экин майдонини 66 гектарига пахта ва 45 гектарига буғдой экинини экиб келган. 2015 йили хўжаликни пахта экин майдони жами экин майдонига нисбатан 59.4 фоизни, буғдой майдони 40.6 фоизни ташкил қилган. Охирги уч йилда хўжаликни жами экин майдони ўзгармаган, аммо пахта экини +6.0 гектарга кўпайган бўлса, буғдой экини -6.0 гектарга камайган, пахта хосилдорлиги +0.5 центнерга кўпайган ёки 101.6 фоизни ташкил этган ва 32.1 центнерга етди, буғдой хосилдорлиги шу давир ичида +0.9 центнерга кўпайган ва 65.4 центнер етган ёки 101.4 фоизни ташкил этган.

Пахта экинида олинган ялпи хосил уч йил ичида +248 центнерга ёки 125.2 фоизга кўпайган, буғдойни ялпи хосили экин майдонини камаиши хисобига 303 центнерга ёки 90.0 фоизга камайган.

Хўжаликни аъзолари уч йил ичида 1 нафарга камайган, аммо пахта экин майдонини кўпайиши хисобига пахтачиликда фаолият кўсатиб келувчи аъзолар 1 нафарга камайган бўлса, буғдой етиштиришда фаолият кўрсатиб келувчи аъзолар ўзгармаган ҳолда қолган.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқадиган бўлсак қўйдаги маълумотларга эга бўламиз.

Уч йил ичида фермер хўжалигининг жами экин майдони ва асосий воситаларининг қиймати ўзгармади, аъзолар сони 1 нафарга кўпайган, жами ишлаб чиқариш харажатлари 20654 минг сўмга, шундан иш ҳақи 8129 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 22690 минг сўмга ва фойда 2036 минг сўмга кўпайган.

Бир гектар хисобига тўғри келган техник воситалар қиймати 599 минг сўмни ташкил этиб уч йил ичида ўзгармаган, хўжаликни ишлаб чиқариш харажатлари 294 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 204 минг сўмга, фойда олиш 19 минг сўмга кўпайган. Уч йил ичида бир ходим хисобига тўғри келган экин майдони ва техник воситалар қиймати ўзгармаган ҳолда қолган бўлса, иш ҳақи 137 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 410 минг сўмга ва фойда олиш 43 минг сўмга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

**Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигининг
иқтисодий самарадорлиги**

т/р	Кўрсаткичлар	ўлч бирл	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2015й. 2013й. нис-н %,
1.	Техник воситалар	м.сўм	66.5	66.5	66.5	100.0
2.	Экин майдони	га	111,0	111,0	111,0	100,0
3.	Ходимлар сони	нафар	66	65	65	98,5
4.	Жами харажати	м.сўм	214333	223799	234987	109,6
5.	Шундан-иш ҳақи	м.сўм	58324	62087	66453	113,9
6.	Ялпи маҳсулот	м.сўм	262918	275341	285608	108.6
7.	Фойда	м.сўм	48585	51542	50621	104.2
8.	Бир гектар ҳисобига					
	-техник воситалар	м.сўм	599	599	599	100,0
	-харажат	м.сўм	1931	2016	2117	109,6
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2369	2481	2573	108.6
	-фойда	м.сўм	437	464	456	104.3
9	Бир ходим ҳисобига					
	-техник воситалар	м.сўм	1007	1023	1023	101,5
	-экин майдони	га	1,68	1,71	1,71	101,8
	-иш ҳақи	м.сўм	883	955	1022	115,6
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	3984	4236	4394	110.3
	-фойда	м.сўм	736	793	779	105.8
10	Рентабеллик	%	22,7	23,0	21,5,	+1,2

Манба: Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалик маълумотлари.

Хўжаликда техник воситалардан фойдаланиш кўрсаткичларини кўриб чиқадиган бўлсак қуйдагиларни кўриб оламиз. Уч йил ичида фондлар билан таъминланиш ва фондлар билан қуролланиш узгармади. Бу кўрсаткични ўзгармай қолишига бевосита экин майдони ва асосий воситалар қийматини ўзгармаганлиги таъсир кўрсатди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охирги уч йилда фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги маълум даражада яхшиланган. Буни биз самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. 2015 йилда 2013 йилга нисбатан хўжаликни рентабеллик даражаси -0,6 даражага камайган ёки 26,4 фоиздан 27,1 фоизга етган. Хўжаликни эришган рентабеллик даражаси оптимал даражадан анча паст. Оптимал рентабеллик пахта - ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 35-40 фоизни ташкил этиш керак. Рентабелликни ошириш учун маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулот таннархни пасайтириш ва даромадларни ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан келгуси йил фаолятини белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги 2015 йили мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида ҳамда белгиланган агротехник ишларни ўз вақтида бажариб 45 гектар буғдой экин майдонини ҳар гектаридан 65.4 центнердан ҳосил олиб ялпи ҳосилни 2943 центерга етказди. Юқоридаги ялпи ҳосилни етиштириш учун Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги бир неча йилдан бери буғдойни «Таня» навини экиб келмоқда.

Хўжаликда “Таня” навини етиштириш учун ҳар йили агротехник карта тузилиб унга амал қилиб келинмоқда. Хўжалик 45 гектар буғдой майдонидан мўл-кўл ҳосил олиш учун органик ўғит жамғариш, далага органик ўғит ташиш, органик ўғит солиш, минерал ўғит юклаш, ташиш, солиш, шудгорлаш, дискалаш, чизеллаш, илдиз ўтини териш, уруғлик юклаш, ташиш, экиш, ўқ-ариқ олиш, ўташ, зараркунандаларга қарши кимёвий кураш, суғориш, ҳосилни ўриб олиш, ташиш ва ҳосилни кўриклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган агротехник тадбирлар қўл кучи ёки механизация воситалари ёрдамида бажарилган. Ҳар бир агротехник тадбирларни режалаштиришда ва бажаришда, хўжаликни имкониятлари ва табиий омиллар инобатга олган ҳолда бажарилган.

Давлатимизда ғалла асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлганлиги учун дон етиштиришни кескин кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Дончилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Ўшбу тармоқ аҳолини нон ва нон маҳсулотларига, чорвачилик тармоқларини омухта озиқаларга бўлган талабини тўла қондириш имконига эга бўлган тармоқ бўлганлиги учун дон ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ва бу соҳани биринчи даражали вазифага айлантиришга сабаб бўлди.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги томонидан буғдой етиштириш учун қуйдаги микдорда хом-ашё материалларини сарфлаб келган:

жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида 2013-2015 йиллар ичида буғдой етиштириш учун сарфланган хомашёлар.

Т/р	Материаллар	2013 йил		2014 йил		2015 йил	
		Микдор (тонна)	Қиймат (м сўм)	Микдор (тонна)	Қиймат (м сўм)	Микдор (тонна)	Қиймат (м сўм)
	Буғдой						
1.	Уруғлик	11,0	6250	6,0	5820	11,0	5726
2.	Мин.ўғит	17,6	20192	15,9	20249	26,1	19546
3.	Ёнилғи	4,9	10096	3,8	10125	5,7	9849

2013 йили бир гектар буғдой майдонига ўртача:

- 250 кг уруғлик, 400 кг минерал ўғит, 112 кг ёнилғи сарфлади.

2014 йили бир гектар буғдой майдонига ўртача:

- 250 кг уруғлик, 498 кг минерал ўғит, 120 л ёнилғи сарфлади.

2015 йили бир гектар буғдой майдонига ўртача:

- 250 кг уруғлик, 594 кг минерал ўғит, 129 л ёнилғи сарфлади.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги бир неча йилдан бери буғдойни “Таня” навини экиб келмоқда. Хўжалик буғдойни, ғўзани қатор орасига экиб юқори ҳосил олишга эришмоқда. Хўжалик буғдой етиштириш бўйича белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва белгиланган миқдорда амалга ошириб келмоқда.

Хўжаликда буғдой етиштириш ишларини - механизация (ТТЗ-80-10 ва КЕЙС комбаини ёрдамида) ва қўл кучи ёрдамида бажариб келинмоқда. Буғдой етиштириш учун белгиланган 21 турдаги агротехник тадбирлар ичида 10 таси механизация ишларни, 6 таси қўл кучи ишларни ҳамда 4 таси механизация ва қўл кучи ишларини ташкил этмоқда.

Белгиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш учун 1660 шартли гектар ишлар, 999 иш кунлари, 6006 минг сўмлик тариф иш ҳақи, 8658 литр ёнилғи сарфланган. Хўжаликда белгиланган агротехник тадбирлар ичида минерал ўғит солиш, буғдой экиш, суғориш шахобчаларини очиш, ҳосилни ўриш, сомон прислаш ишлари шартномага мувофиқ бажарилди.

8. Мавзу: Бугдой етиштириш технологик картаси. 45 х 65.4=2943ц

6 = 1 х (э/м, я/х), 8 = 14х 7, 14= 6 : 9, 15 = 6 : 9, 16 =14 х 12, 17 = 15 х 13, 19 = 18 х 6,

Маро таба, кг, %	Иш турлари	Агрегат таркиби		Ул би р	Иш хажми			Ме ъёр	Тоифа		Тоифа қиймати		Иш кунлар		Иш ҳақи (м сўм)		Ёнлги (литр)	
		Трак тор	к/х маши		физ ик	Эт/га	Жами эт/га		Тр- га	Кўл куч	Тр- га	Кўл куч	Тр- га	Кўл куч	Тр- га	Кўл куч	Бир уч	Жам и
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
7т	Гўнг юклаш	ТТЗ-60	ПУ-0,5	т	315	3,85	20	60	4	-	6949	-	5.2	-	36.5	-	0,6	189
7т	Гўнг ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	315	3,85	100	12,1	2	-	5739	-	26	-	149.	-	2,5	787
100%	Гўнг ёйиш	кўлда		га	28	-	-	4	-	2	-	5340	-	7	-	37.4	-	-
1,1т	М/ў юклаш	ТТЗ-60	ПУ-0,5	т	49.5	3,85	3	60	4	2	6949	5340	0.8	0.8	5.7	4.3	0,6	30
1,1т	М/ў ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	49.5	3,85	16	12,1	2	-	5739	-	4.1	-	23.5	-	2,5	124
1,1т	НРУга м/ў юкла	кўлда		т	49.5	-	-	4,9	-	3	-	5877	-	10.1	-	59.4	-	-
2м	М/ў солиш	ТТЗ-60	НРУ	га	90	3,85	47	7,4	4	-	6949	-	12.2	-	84.5	-	3,5	315
250кг	Уруғлик ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	11.2	3,85	4	10,3	2	2	5739	5340	1.1	1.1	6.2	5.9	2,3	26
1м	Ерни чизеллаш	ТТЗ-60	КРХ-4	га	45	3,85	30	17,8	5	-	7606	-	7.9	-	60	-	1,1	49
100%	Ўруғлик юклаш	кўлда		т	11.2	-	-	1,25	-	3	-	5877	-	9	-	52.6	-	-
100%	Экиш	ТТЗ-60	СЭ-3,6	га	45	3,85	30	5,7	5	5	7606	7071	7.9	7.9	60	55.9	5,4	2.4
10%	Уқ-арик очиш	ТТЗ-60	Канов	га	4.5	3,85	3	6,6	4	-	6949	-	0.7	-	4.7	-	6,3	28
4м	Суғориш	кўлда		га	180	-	-	1,2	-	6	-	7723	-	150	-	1158	-	-
100%	Хосил ўриш	КЭЙС	Комб	т	294	10,15	426	7,0	6	-	8300	-	42	-	348	-	8,7	2558
100%	Дон ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	294	3,85	93	12,1	2	-	5739	-	24.3	-	139.	-	4,4	1294
100%	Дон тозалаш	ТТЗ-60	ОДН	т	294	3,85	141	8,0	3	3	6316	5877	36.7	36.7	232	215.7	0,6	176
100%	Сомон прислаш	ТТЗ-60	Пресс	га	45	3,85	14	12	4	-	6949	-	3.7	-	26.0	-	5,0	225
100%	Присс юклаш	кўлда		т	571	-	-	4	-	3	-	5877	-	143	-	840	-	-
100%	Присс ташиш	ТТЗ-60	2птс	т	571	3,85	256	8,6	2	-	5739	-	66.4	-	381	-	4,4	2512
100%	Присс гарамлаш	ТТЗ-60	ПУ-0,5	т	571	3,85	477	4,6	2	3	5739	-	-	124	-	712.4	0,6	343
180кун	Хосил кораули	кўлда		ку	270	-	-	1	-	1	-	4843	-	270	-	1307	-	-
	Жами	х	х	х	х	х	1660	х	х	х	х	х	239	760	1557	4449	х	8658

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалиги 2015 йили буғдой етиштириш учун белгиланган агротехник ишларни ўз вақтида бажариш натижасида

10 -жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида буғдой етиштиришни иқтисодий самарадорлиги.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир	2013й	2014й	2015й	2015й 2015 й нисбатан	
						фарқи +,-	салмоғи %
1	Жами экин майдони	га	51	49	45	-6	88,2
2	Хосилдорлик	ц/га	64.5	64.9	65.4	+0,9	101,4
4	Ялпи хосил	ц	3289	3180	2943	-346	89,5
5	Жами и/ч харажати	м сўм	80127	79722	76253	-3874	95,2
	-иш ҳақи	м.сўм	11218	10364	9150	-2068	81,6
6	Ялпи маҳсулот	м сўм	117707	117431	113541	-4166	96,5
7	Фойда	м сўм	37580	37709	37288	-292	99,2
8.	Ходимлар сони	нафар	10	10	10	-	100,0
9.	1 ц таннархи	сўм	24362	25070	25910	+1548	106,4
10	1 ц сотиш баҳоси	сўм	35788	36928	38580	+2792	107,8
11	Бир гектар хисобига						
	-сарфланган харажат	м сўм	1571	1627	1695	+123	107,9
	-олинган ялпи мах-т	м сўм	2308	2397	2523	+215	109,3
	-олинган фойда	м сўм	737	770	829	+92	112,5
12	Бир ходим хисобига						
	-тўғри келган э/м	га	5,1	4,9	4,5	-0,6	88,2
	-сари-ган иш ҳақи	м сўм	1122	1036	915	-207	81,6
	-олинган ялпи мах-т	м сўм	11771	11743	11354	-417	96,5
	-олинган фойда	м сўм	3758	3770,9	3729	-29	99,2
13	Рентабеллик	%	46,9	47,3	48,9	+2,0	-

Манба: Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалик маълумотлари.

45 гектар буғдой майдонини ҳар гектаридан 65.4 центнердан хосил олиш натижасида ялпи хосилни 2943 центерга етказди. Юқоридаги ялпи хосилни етиштириш учун 76253 минг сўмлик харажат сарфланди. етиштирган хосилни давлатга, бозорга ва аъзоларга сотиш натижасида хўжалик 113541 минг сўмлик ялпи маҳсулот қийматини яратишга ва 37288 минг сўмлик фойда олишга эришди.

Хўжаликда буғдой етиштиришни иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

Уч йил ичида хўжаликни буғдой экин майдони 6 гектарга, ялпи ҳосил 346 центнерга камайган. Ялпи хосилни камайишига буғдойни экин майдонларни камайиши салбий таъсир этди. Хўжаликда буғдой етиштириш учун

сарфланган харажатлар 3874 минг сўмга, иш ҳақи сарфи 2068 минг сўмга, ялпи маҳсулот қиймати 4166 минг сўмга ва фойда олиш 292 минг сўмга кўпайди. Уч йил ичида буғдой етиштиришда ишловчи аъзолар сони ўзгармаган. Шу давр ичида бир центнер буғдой таннархи 1548 сўмга, 1 центнер буғдой сотиш баҳоси 2792 сўмга кўпайди. Уч йил ичида бир гектар буғдой экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 123 минг сўмга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 215 минг сўмга ва олинган фойда 92 минг сўмга камайган. Буғдой етиштиришда ишловчи бир ходим ҳисобига тўғри келган экин майдони 0.6 гектарга камайди, сарфланган иш ҳақи харажатлари 207 минг сўмга, олинган ялпи маҳсулот қиймати 417 минг сўмга ва фойда олиш 29 минг сўмга кўпайди. Бу ўз навбатида буғдой етиштириш бўйича рентабеллик кўрсаткичини 2.0 фоизга кўпайишига олиб келди.

11-жадвал.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигини буғдой етиштириш баланси.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир	2013й	2014й	2015й	2015й 2013 й нисбатан	
						фарқи +,-	салмоғи %
1	Ялпи ҳосил	ц	3289	3180	2943	-346	89,5
2	Сотилди:						
	-давлатга	ц	2244	2156	1980	-264	88.2
	-азоларга	ц	500	500	500	-	100.0
	-бозорда	ц	545	524	463	-82	84.9
3	Ялпи маҳсулот	м сўм	117707	117431	113541	-4166	96.5
	-давлатга сотишдан	м сўм	67376	68216	68176	+800	101.2
	-азоларга сотишдан	м сўм	12181	12535	12955	+774	106.3
	-бозорга сотишдан	м сўм	38150	36680	32410	-5740	84.9

Манба: Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалик маълумотлари.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида буғдой етиштириш уч йил ичида 346 центнерга кўпайган, шундан давлатга сотиш қисми 264 центнерга ва бозорда сотилган қисми 82 центнерга камайган. Бунга бевосита ялпи ҳосилни камаиши салбий таъсир этди. Буғдой етиштириш ҳисобига олган ялпи маҳсулот қиймати уч йил ичида 4166 минг сўмга, шундан бозордан олинган даромад 5740 минг сўмга камайган, аммо давлатга сотишдан олинган даромад 800 минг сўмга ва азолар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот қиймати 774 минг сўмга кўпайган. Хўжалик азоларига сотилган буғдой таннарх баҳосида ва бозорда сотилган буғдой ўртача 1кг 700 сўмдан сотилган.

Хўжаликда буғдой етиштириш харажатларини кўриб чиқадиган бўлсак қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби. (минг сўм)

т/р	Харажат тури	2013 йил		2014 йил		2015 йил	
		Қий-мати	Сал-моғи	Қий-мати	Сал-моғи	Қий-мати	Сал-моғи
1	Мод. харажатлар	57290	71,5	56363	70,7	54132	70,9
	-уруғлик	6250	7,8	5820	7,3	5726	7,5
	-ўғитлар	20192	25,2	20249	25,4	19546	25,6
	-ёнилғи	10096	12,6	10125	12,7	9849	12,9
	-иш ва хизматлар	17868	22,3	17459	21,9	16568	21,7
	-бошқа мод.хар.	2884	3,6	2710	3,4	2443	3,2
2	Иш ҳақи хар-лари	11218	14,0	10364	13,0	9150	12,5
3	Ижт.ажратмалар	2804	3,5	2591	3,2	2287	3,1
4	Амортизация	3365	4,2	3348	4,2	3207	4,2
5	Бошқа харажат-р	5450	6,8	7056	8,9	7477	9,3
	Жами	80127	100,0	79722	100,0	76253	100,0

Манба: Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалик маълумотлари..

Натижада бир центнер буғдой таннархи уч йилда 1548 сўмга кўпайди. Буғдой етиштириш учун сарфланган харажатлар ичида моддий харажатлар 70.9 фоизни, иш ҳақи 12.9 фоизни, ижтимоий ажратмалар 3.1 фоизни, амортизация 4.2 фоизни ва бошқа харажатлар 9.3 фоизни ташкил этмоқда.

Моддий харажатлар ичида уруғлик ва кўчат материаллар сарфи 7.5 фоизни, ўғитлар 25.6 фоизни, ёнилғи мойллаш материаллари 12.9 фоизни иш ва хизматлар 21.7 фоизни ва бошқа моддий харажатлар 3.2 фоизни ташкил этмоқда. Хўжаликда бир гектар буғдой экин майдони ҳисобига сарфланган харажатлар 1696 минг сўмни ташкил этди. Шундан иш ҳақи 212 минг сўмга, ижтимоий ажратмалар 53 минг сўмни, амортизация ажратмаси 158 минг сўмга ва бошқа харажатлар 158 минг сўмни ташкил этмоқда. Моддий харажатлар ичида уруғлик харажатлари 127 минг сўмга, минерал ўғитлар сарфи 434 минг сўмни, ёнилғи мойлаш материаллари 219 минг сўмни ва бошқа моддий харажатлар 54 минг сўмни ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида буғдой ҳосилдорлиги Андижон туманининг ўртача кўрсаткичига нисбатан 5,1 центнерга ёки 108,3 фоизга ортган. Шу билан биргаликда 1 центнер буғдой таннархи 1508 сўмга ёки 94.4 фоизга камайган, 1 ц буғдой сотиш баҳоси 523 сўмга ёки 101.4 фоизга кўпайган. Бир гектар ҳисобига сарфланган харажатлар туман кўрсаткичига нисбатан 17 минг сўмга кўпайтириш ҳисобига, олинган даромад 194 минг сўмга ва фойдани 178 минг сўмга кўпайтиришга эришилди.

Бир ишчи ҳисобига тўғри келган экин майдонини 0,9 гектарга, иш ҳақини 59 минг сўмга, олинган даромадни 2966 минг сўмга ва олинган фойдани 1384 минг сўмга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Хўжаликни бугдой етиштириш бўйича эришган рентабеллик кўрсаткичи туман кўрсаткичига нисбатан 10.1 фоизга юқорилиги хўжаликни бугдой етиштириш фаолиятини самарали яқунлаганлигини ифодалаб беради.

4. Фермер хўжалигида бугдой етиштиришни режалаштириш тартиби.

Аграр сиёсатнинг мақсади мамлакатимиз аҳолисини ва саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборатдир.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд аграр ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва аҳоли фаровонлигини яхшилашдир.

Корхонада ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш - бу узок муддатга мўлжалланган мақсадни аниқлаш, ишлаб чиқаришнинг истиқболли дастурини ишлаб чиқиш, ташкилий ва бошқарув тизимини тўғри белгилаш, хўжаликни оқилона юрита олишни асослаш, зарурий ресурсларни шакллантириш, хўжалик ички иқтисодий муносабатларини тўғри белгилаш, ҳисобот ва назорат, ҳамда режалаштиришнинг самарали тизимини жорий қилиш, сифатли товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, ишловчиларга қулай ижтимоий шарт-шароитларни яратиш демакдир

Мамлакатимиз иқтисодиётинининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси, йилдан йилга тобора ортиб бораётган мустақил тараққиётининг дастлабки йилларида халқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқораларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини кўрсатмоқда.

жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” номли фермер хўжалигида минерал ўғитларни йиллик талабини режалаштириш.

(соф холида).

т\р	Экин тури	Ўғит тури	Экин майдони	1га меъёр	Жами талаб
1.	Бугдой	Азот	45	150-200	9
		Фосфор		100-120	5,4
		Калий		50	2,2
		Жами		300-370	16,6

(физик миқдорда)

жадвал

т\р	Экин тури	Ўғит тури	Экин майдони	1га меъёр кг	Жами талаб тонна
1.	Бугдой	Азот 12%	45	1666	75
		Фосфор 21%		571	25,7
		Калий 46%		102	4,6
		Жами		2339	105,3

жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида уруғлик ва кўчат талабини режалаштириш.

Тр	Экин тури	Экин майдони га	Меъёр кг, м дона	Жами талаб т	1 кг бахоси м сўм	Жами киймати м сўм
1.	Бугдой	45	250	11,250	0.511	5726

жадвал

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида ёнилги мойлаш материалларини режалаштириш.

Тр	Экин тури	Экин майдони га	Ёнилги талаб кг	1 кг бахоси м сўм	Жами киймати м сўм
1.	Бугдой	45	8658	2850	24675

Избоскан туманидаги “Тиллабоев хосили мўл” фермер хўжалигида бугдой етиштириш харажатларини режалаштириш. (минг сўм)

т/р	Харажат тури	2015 йил	
		Қиймати	Салмоги
1	Мод. харажатлар	58458	77,3
	-уруғлик	5726	7,5
	-ўғитлар	19546	25,6
	-ёнилги	24675	32,3
	-иш ва хизматлар	6568	8,6
	-бошқа мод.хар.	2443	3,2
2	Иш ҳақи хар-лари	9150	12.5
3	Ижт.ажратмалар	2287	3.1
4	Амортизация	3207	4,2
5	Бошқа харажат-р	2651	3,5
	Жами	76253	100,0

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора тадбирлар натижасида кичик-бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустахкамланиб бормоқда.

Мамлакат аҳолисини истеъмол буюмларига ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг аввало агросаноат мажмуи ва унинг тармоқларини ривожланиш даражасига боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганларидек, “... бизнинг яқин истикболдаги энг муҳим вазифамиз

бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”¹ деб айтиб ўтган.

Қишлоқ хўжалигининг буғдой етиштириш – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири, мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тахминан 45 фоизи унинг улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалик буғдой етиштириш тармогини модернизациялаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда иқтисодий муносабатларини тақоминлаштиришни мақсади мўл–кўл, сифатли ва орзон маҳсулот етиштиришга эришиш, меҳнат маданиятини ошириш ва етиштирувчиларни моддий манфаотдорлигини оширишдан иборат.

Дехкончиликни ички тармоғи бўлган буғдой етиштиришни ривожлантиришни иқтисодий аҳамияти – тармоқда олинадиган асосий ва кўшимча маҳсулот турларини кўпайтириш; маҳсулот сифатини яхшилаш; меҳнат унумдорлигини ошириш; маблағлар сафини тежаш; маҳсулотларнинг товарлик дарожагини ошириш, бир бирлик маҳсулотни сотиш баҳоси ва сотилган маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига маҳсулот етиштирувчиларни моддий манфаотдорлиги ошириш билан ажралиб туради. Буғдой етиштиришни режалаштиришга қуйдаги омиллар ўз таъсирини ўтказади;

- колдик маълумотлар,
- шартнома шартлари,
- асосий воситалар билан таъминланиш,
- зарурий маблағ билан таъминланиш,
- экиладиган уруғ навини тўғри таллаб олиш,
- буғдой етиштиришда агротехник тадбирларни режалаштириш,
- экин майдонларини кўлами,
- экин майдонлардан фойдаланиш самарадорлиги,
- мавжуд техника ва уларни имконияти,
- кўлланиб келинаётган технология,
- инсон капитали,
- тармоқни ривожланишига оид давлатни иқтисодий сиёсати бевосита таъсир этади.

Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермасида юқоридаги омилларга етарлича эътибор қаратилса хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги янада ортади.

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 53 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Махмудов Е.Х. Исаков Ю. Бизнес-режалаштириш. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005 йил 160 бет.
2. Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини барқорор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4. 2013 йил.
3. Избоскан туманидаги “Тиллабоев ҳосили мўл” фермер хўжалигини 2013-2015 йилларини бошланғич бухгалтерия маълумотлари, ҳисобатлари ва Бизнес-режаси.